# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 15 июнь, № 117 (5537) Жума

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 5-7 июнь кунлари Хитойга расмий ташрифи ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичини, икки томонлама муносабатлар ривожида янги даврни бошлаб берди.**



Қадим тамаддун бешикларидан бўлган Ўзбекистон ва Хитой чуқур тарихий илдизларга эга, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланган анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини бугунги кунда ҳам изчил ривожлантириб бормоқда. Хитой мамлакатимиз мустақиллигини биринчилар қатори тан олганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Тошкентда 1992 йил 2 январь куни дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюнике имзоланиши билан давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган.

Бугунги кунда ўзаро муносабатлар замон талабларига мос равишда барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. Давлатларимиз раҳбарлари ўртасида қарор топган ўзаро ишонч ва очиқликка йўғрилган дўстона муносабатлар ҳамкорлик кўламини муттасил кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда. Давлат раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намояндалари, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида равнақ топиб бораётганидан далолатдир. Олий даражадаги ҳар бир учрашув икки ва кўп томонлама муносабатлардаги мавжуд ҳолатларни таҳлил қилиш ҳамда уни янада ривожлантиришнинг устувор соҳа ва йўналишларини белгилаб бермоқда.

Давлатлараро муносабатлар изчил ривожланиш йўлидан борар экан, табиийки, турли мақомдаги учрашувлар ҳам давом этаверади. Зеро, бугунги замоннинг ўзи вақт синовидан ўтган ишончли шериклар билан ҳамкорлик кўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ҳамфикр эканига, муносабатлар негизида ўзаро манфаатдорлик, ишонч, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик мужассамлигига давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Хитойга ўзаро муносабатлар ривожида янги даврни, сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берган ташрифи ёркин далил бўлди.

Хитойда Ўзбекистонга ҳурмат-эҳтиром нақадар юксак, мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш қанчалик кучли эканлигига қуйидаги мисол билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Хитой томони Ўзбекистоннинг юксалиб бораётган иқтисодий ва сиёсий салоҳияти ҳамда давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топганини эътироф этган ҳолда, ўзаро муносабатларни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтаришдан манфаатдор эканини билдирди. Мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дипломатия муносабатларининг 20 йиллиги кенг нишонланаётган пайтда қабул қилиниши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

Мазкур ҳужжатда сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, маданий-гуманитар соҳалар, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш борасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

### Куч — билим ва тафаккурда

*Истиқлол — халқимизга берилган энг улуғ неъмат. У туфайли одамларимиз орзу-умидлари рўёбини кўрди, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имкониятига эга бўлди.*

## Президент асари ўрганилмоқда

Шу боис ҳам бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, Ватан равнақи йўлида фидойилик кўрсатиш, айниқса, ўғил-қизларимизни эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг вазифамиз, муқаддас бурчимиз саналади.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Албатта, Ўзбекистонимизнинг бугунги мавқеи, халқаро майдондаги юксак обрў-эътиборидан ҳаммамиз ғурурланамиз. Лекин бугунги дориламон кунларимиз, тинч-осуда ҳаётимизга осонликча эришилмаган. Бунинг ортида қанча азоб-уқубат, фидойи инсонларнинг мардонавор меҳнати ётибди.

(Давоми 2-бетда).

### Муқобил энергия:

## Экологик барқарорлик, иқтисодий тежамкорлик

*Кеча "Ўзэкспомарказ" мажмуида табиий газда ишлайдиган автомобиллар, улар учун эҳтиёт қисмлар ва жиҳозларнинг биринчи Марказий Осиё кўргазмаси очилди. Мазкур йирик тадбир Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан республика Савдо-саноат палатаси ҳамда "Муқобил ёқилғи ва энергия корхоналари" ассоциацияси кўмагида ташкил этилди.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

### Кўргазма

Мутахассисларнинг фикрича, дунёда кузатилаётган глобал ҳарорат кўтарилишига атмосферага органик ёнилғида ишлайдиган иссиқлик электростанциялари ва транспорт воситаларидан кўп миқдорда газ ташламалари чиқарилаётгани сабаб бўлмоқда. Шу боис кейинги йилларда автомобилларни экологик жиҳатдан тоза бўлган муқобил ёнилғида ишлашга ўтказиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Эътиборлиси, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Автомобилларни босқичма-босқич муқобил ёнилғига ўтказиш бу борадаги ислоҳотларнинг узвий давомидир.

(Давоми 2-бетда).

## «Камалак каби ёрқин, тоғ ҳавоси сингари салқин ва булут каби енгил мато»

*Яқинда Россияда чоп этиладиган "Российская газета" умуммиллий кундалик нашри саҳифасида газета мухбири Евгения Цинклернинг Ўзбекистон мавзуига бағишланган мақоласи эълон қилинди. Унда муаллифнинг юртимиз бўйлаб сафари, хусусан, май ойида Қорақалпоғистон заминида бўлиб ўтган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали таассуротлари ўз ифодасини топган.*

### Эътироф

Муаллиф Нукус шаҳри саноат, илм-фан ва маданият марказларидан бири эканлигини таъкидлар экан, қуйидаги мулоҳазаларини газетхонлар билан ўртоқлашади: "Замонавий иншоотлар чор атрофни безаб туриши билан бирга, шаҳарга ўзгача кўриниш бағишлайди. Вазмин оқаётган Амударё ва қайноқ саҳро шамоли кишини эътиборсиз қолдирмайди. Нукуснинг жавоҳир каби диққатга сазовор масканлари яркирайди гўё. Шу ўринда дунёга маълуму машҳур Игорь Савицкий номидаги санъат музейни эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Мутахассислар ва жаҳон матбуотида берилган баҳоларга қараганда, ушбу музейда Осиё минтақасининг энг яхши бадиий тўплами жамланган".

Евгения Цинклер мазкур санъат музейининг тавсифига алоҳида эътибор қаратган. "Бир неча йил аввал И. Савицкий тўплами янги бинога кўчиб ўтди. Жаҳон сайёҳлари оқимининг тобора ўсиб бораётгани сабабли Нукусга ҳаво қатновлари сонини кўпайтиришга тўғри келди, — деб ёзади у. — Бу ерга энг кўп келадиган меҳмонлар францияликлар бўлиб, улар мазкур музейга "Саҳродаги Лувр" номини беришган".

Мақолада қайд этилишича, Қорақалпоғистон замини "Асрлар садоси" умуммиллий фестивали марказига айланишида музей муҳим ўрин тутган. Бундай ёрқин ва ранг-баранг ўзига хосликларга эга бўлган тадбирнинг ўтказилиши, Е. Цинклернинг фикрича, бир томондан, Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси ва сайёҳлик салоҳиятини таништирса, иккинчи томондан, қуриб бораётган Орол денгизи муаммосига яна бир бор халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш учун имконият яратди.

Жорий йили байрам Тупроққалъа кўҳна ёдгорлигида ўтказилди. "Милодий биринчи асрларда бу ерда Хоразмнинг тураржойлар, ибодатхоналар ва ҳашаматли саройларга эга бўлган бошкенти жойлашган эди, — деб ёзилади "Российская газета"да. — Кўҳна лой деворларда рақс тушаётган ниқоблар хонасини, буғулар зали, жангчилар ва ғалаба залларининг тасвирларини ҳозир ҳам кўриш мумкин. Фестиваль кунлари қалъа остонасида кўп асрлардан буён илк маротаба ўтовлар қурилди, атроф байрам садолари билан тўлиб-тошди, қалъа деворларидан эса Буюк Хоразм давридаги каби жангчилар жой олиб, аҳоли осойишталигини таъминладилар".

Мақолада таъкидланишича, "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивалининг марказида, кўп йиллар аввал бўлганидек, отлар турди. "Ниҳоятда гўзал ва латиф тулпорлар ёлларини ўйнатиб чопганида, гўёки уларнинг оёқлари ерга тегмаётгандек туюлади кишига", дея ёзади муаллиф.

Мухбир мақолада ўзига хос шарқона сайиллар, шоду хуррамликлар қаторида гўзал ва шу билан бирга, мароқли хўроз уриштириш ҳамда қўчқорлар жанги томошаларини тасвирлашга алоҳида ўрин ажратган.

(Давоми 2-бетда).

## Истиқболли алоқаларнинг муҳим пойдеври

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё, металлургия саноати корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўз ишини бошлади.*

### Ярмарка

Очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли кейинги йилларда саноат тармоқлари жадал ривожланмоқда. Бунда кўплаб янги корхоналар фойдаланишга топширилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан ўтказилаётган мазкур тадбир ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, тажриба

(Давоми 2-бетда).

### «Келажак овози — 2012»

*Ёшлик — инсон умрининг энг гўзал, бетакрор фасли. Навқиронлик чоғида илм олиб, маънавий етуклик сари интилган киши борки, келажакда, албатта, ўз ўрнини топиб, эларо ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган.*

## Истеъдодга муносиб рағбат

Айнан шу боис юртимизда ёш авлоднинг замонавий асосда пухта билим олиши, қобилияти, салоҳияту истеъдодини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, "Фонд Форум" ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика кўрик-танлови иқтидорли ёшларимизга кўрсатилаётган ана шундай беқиёс эътибор ифодасидир.

Ҳар йилги анъанага мувофиқ, куни кеча мазкур танловнинг Қашқадарё вилояти босқичи ўтказилди. Унда юзлаб истеъдодли ёшлар ўзларининг янгидан-янги лойиҳалари, ишланмаларини намойиш этишди. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, "Келажак овози" кўрик-танлови шижоатли ўғил-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган лойиҳа сифатида катта қизиқишларга сабаб бўлаётир. Қувонарлиси эса, бугун танлов иштирокчилари орасида бадиий ижод ва амалий санъат йўналишидан ташқари, турли йўналишдаги инновацион ғоялар, таклифлар ҳамда веб-ишланмаларни тақдим этаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

## Мамлакатимизда:

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

### Қорақалпоғистон Республикаси

*Нукус шаҳридаги "Уй-жой қурилиш" МЧЖ фаолият юрита бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ.*

## Талабга мос маҳсулот

Шунга қарамай, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларга бўлган талаб тобора ортиб бораётир. Тадбиркор Есмирза Жумамуратов шуни ҳисобга олиб, корхона фаолиятини янада кенгайтирди. Яқинда у банкнинг 400 миллион сўмлик кредити эвазига Хитойдан янги технологик линияни олиб келиб ўрнатди ҳамда асфальт қопламасига қўшиладиган маъданли кукун ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шу муносабат билан корхонада қўшимча 10 та иш ўрни ташкил этилди.

Айтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасида 1700 дан зиёд хусусий тадбиркорлик субъекти бўлиб, ҳозир уларнинг аксариятида техник ва технологик янгилашлар амалга оширилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Самарқанд

*Жума шаҳрида тадбиркор Саноат Жуманова саъй-ҳаракати билан лойиҳа қиймати 600 миллион сўмлик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди.*

## Замонавий инфратузилма

Натижада савдо дўкони, компьютерларга хизмат кўрсатиш шохобчаси, аёллар салони, телефон таъмирлаш устахонасидан иборат мажмуада 44 киши иш билан таъминланди. Шундан 25 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари эканлиги эътиборлидир.

Умуман олганда, жорий йилнинг беш ойи мобайнида туман бўйича барча манбалар ҳисобидан 2,5 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилган бўлиб, шундан минга яқини тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент

*Миллий кинология марказида "Божхона органлари фаолиятида кинология хизматининг тутган ўрни. Миллий кинология маркази томонидан мазкур соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

## Минтақада ягона марказ

У Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда Миллий кинология маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда мустақиллик йилларида юртимизда божхона тизимини янада ривожлантириш, соҳага замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни кенгроқ татбиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, божхона хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида тизимда фаолиятнинг янада илғор шакллари жорий қилинаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология марказида олиб борилаётган ислоҳотлар бунинг яққол далили, дейиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ИЛМИЙ ИХТИРОЛАР УЧУН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

***2012 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар томонидан илмий ҳажмдор маҳсулотларни сотиш, хўжалик шартномалари асосида инновацион лойиҳаларни бажариш ҳисобига***

**4,23** **миллиард сўм миқдоридаги нобюджет маблағлари жалб қилинди.**

Олимлар томонидан озиқ-овқат, кимё, нефть-кимё, қоғоз-целлюлоза, газни қайта ишлаш каби саноатнинг муҳим тармоқлари учун импорт ўрнини босувчи инновацион ишланмалар, ресурс тежамкор технологиялар, иқтисодий жиҳатдан самарали ихтиролар яратилаётгани туфайли улар ишлаб чиқаришга жадал татбиқ қилиниб, барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

## Молия муассасаларида

*Бугун мамлакатимиздаги тижорат банклари юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Ушбу жабҳада “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Хусусан, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида оилалар, шу жумладан, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларга кредитлар билан кўмаклашиш борасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг Сирдарё вилояти филиали томонидан рўёбга чиқарилаётган кенг қамровли ишлар бунинг яққол далилидир.*



IPOTEKA BANK

# МИЖОЗЛАР МАНФААТИ – АСОСИЙ МЕЗОН

Истиқлол йилларида банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бунда Президентимизнинг мустақил Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини шакллантириш ва уни янада ривожлантиришга қаратилган бешта муҳим тамойили асос қилиб олинди.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўли бугунги кунда республикамиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг бош омилига айланганини жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам қайта-қайта эътироф этилмоқда.

Қолаверса, айни пайтда миллий иқтисодиётимизда рўёбга чиқарилаётган янгиланишлар, ўз навбатида, банк тизими равнақига ҳам хизмат қилмоқда. Тизимда ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусан, халқаро молия бозорида мамлакатимиз банклари нуфузини ошириш, уларнинг барқарорлигини кучайтириш ва ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, капиталлашув даражасини юксалтириш, ушбу соҳага хусусий капитални кенг жалб қилиш, ресурс базасини кўпайтириш юзасидан ижобий натижаларга эришилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

### Элга хизмат – олий ҳиммат

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Сирдарё вилояти филиали мазкур йўналишдаги амалий саъй-ҳаракатларга ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида қараб келаётган етакчи молия муассасаларидан бири саналади.

Таъкидлаш жоизки, филиал томонидан хўжалик субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилаётган микрокредитлар оилавий бизнесни янада ривожлантириб, айниқса, саноат марказларидан анча олисда жойлашган туманларда ҳам аҳоли турмуш даражасини ошишини таъминламоқда.

Филиалда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда имзоланган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йил давомида 458,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиши режалаштирилган эди. Шуниси қувонарлики, юқорида кўрсатиб ўтилган пул маблағлари айни пайтга қадар ипотека, истеъмол ва микрокредитлар сифатида ёш оилаларга тўлиқ ажратиб берилди.

Банк филиали ўз фаолияти мобайнида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилнинг биринчи чорагида банк томонидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида жами 7 та кам таъминланган оилага 21,0 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Шунингдек, 2012 йил давомида олий таълим муассасаларида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган 20 га яқин талабага 28,8 млн. сўмлик таълим кредитлари берилди.

Эътиборлиси, вилоят корхоналарини кредитлаш филиал сиёсатининг бош йўналиши бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Банк кредит сиёсатига мувофиқ, ажратилган кредитлар иқтисодиётнинг устувор йўналишларини тараққий эттириш, корхоналарни модернизациялаш ва янги юқори самарали ишлаб чиқаришларни жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари кўрсатишни янада кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 2012 йилнинг биринчи чорагида барча манбалар маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 2 млрд. 235,0 млн. сўм миқдорида кредитлар берилди.



Шунингдек, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, дастурхонларимиз тўкинлигини таъминлаш мақсадида филиал томонидан салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, пахта ва ғалла ҳосили етиштиришга давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасидан олинган маблағ эвазига фермерларга имтиёзли фоизларда 1 млрд. 407,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Мазкур маблағлар фермерларнинг ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва зарур ўғитларни ўз вақтида харид қилишлари ҳамда мавсумни кўнгилли ўтказишлари учун кечиктирмасдан етказиб берилди.

### Соғлом рақобат доимий изланишни талаб этади

Бугун мамлакатимиз банклари аҳолига кенг кўламли банк хизматларини кўрсатиш, янги мижозларни жалб қилиш мақсадида замонавий банк хизматларини мунтазам жорий этаётганига ва бу билан чакана банк хизматлари бозорини фаол ривожлантираётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Зеро, бугунги соғлом рақобат муҳити банклар томонидан мижозларга барча қулайликларга эга хизмат турларини мунтазам равишда татбиқ этиб боришни ва бу борада доимий изланишни талаб қилади.

Филиал томонидан мижозларнинг кенг доирадаги эҳтиёжларини қондириш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жамғарма, махсус кассалар, минибанклар тармоғини такомиллаштириш ишларини давом эттирди. Бугунги кунда филиал қошида 2 та минибанк, 3 та пул ўтказмалари шохобчаси, битта махсус касса, битта коммунал тўловларни қабул қилиш кассаси ва битта жамғарма касса фаолият кўрсатмоқда. 2012 йилнинг иккинчи чораги давомида мижозларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш учун аҳоли гавжум жойларда иккита пул ўтказмалари шохобчаси очилиши кўзда тутилган.

Минибанкларни ташкил этиш, аввало, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ҳамда ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятини жонлантиришга, шунингдек, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг сифатли банк хизматларига бўлган талабини қондиришга қаратилган. Бундан ташқари, тўғри йўлга қўйилган миникредит хизматлари турли сегментлардаги рақобат мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда ўз мижозларининг таклиф ва истакларини тезда ҳисобга олган ҳолда иш тутиш имконини беради.

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Сирдарё вилояти филиали сўнгги йилларда чакана хизмат турларини ривожлантириш бўйича амалий саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш орқали аҳолининг банкка бўлган қизиқишини ва ишончини янада оширишга интилмоқда.

Аҳолининг аксарият қисми учун банк омонатлари бўш пул маблағларини ишга солишнинг энг жозибали ва ишончли усули ҳисобланади. Банк аҳоли омонатларини янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида муддати бир ойдан бир ярим йилгача бўлган қатор жозибадор янги омонат турларини чиқарди. Хусусан, айни пайтда филиалда “Оила”, “Қалдирғоч”, “Нафис”, “Коммунал тўлов”, “Элга манзур”, “Мобиль” сингари омонат турлари мавжуд бўлиб, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк томонидан жисмоний шахслардан депозитларга жалб қилинган омонатлар ҳажми 2011 йилнинг бошидагига нисбатан 110,8 фоизга ўсди.

Бугунги кунда банкда 3 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари фаолият юритаяпти. Бу ерларда “Вестерн Юнион”, “Контакт”, “Быстрая почта”, “Близко”, “Мигом”, “Монигрaм”, “Юнистрим”, “Золотая корона” тизимлари орқали мижозларга хизмат кўрсатилмоқда. Жорий йилда амалга оширилган ишлар натижасида 11000 нафардан ортиқ мижозга хизмат кўрсатилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича қарийб 10 мингга яқин пластик карточкалар тарқатилган.

Шунингдек, 2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра, филиал томонидан жами 272 та савдо, хизмат кўрсатиш ва коммунал терминаллари ўрнатилган бўлиб, шундан савдо ва хизмат кўрсатиш терминаллари 232 та, коммунал ва пуллик хизматлар учун 40 та ҳамда бир дона инфокиоск орқали мижозларга хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилди.

### Давр билан ҳамнафас

“Ипотека-банк” аҳоли учун янги технологиялар ва банк хизматларини жорий этиш соҳасидаги новатор, шунингдек, доимо мижозлар истагини ҳисобга олувчи ва ўз сиёсатини улар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кўрадиган барқарор ва ишончли шерикдир. Банк пластик карточкалар бозоридаги ўз пешқадамлик мавқеини ушлаб, карточка эгаларига нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтирмоқда ва такомиллаштирмоқда. Миллий валютадаги “Ипотека-банк” пластик карточкаларига эга мижозлар сони ўсиб бораётганлиги банк томонидан хизматлар бозорида юритилаётган сиёсат тўғри танлангани ҳамда замонавий банк маҳсулотлари ва ускуналари фаол жорий этилаётгани, банкнинг мунтазам равишда моддий ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланаётгани, ходимлар малакасини доимий равишда ошириб бораётганлигидан далолат беради.

Мижозлар учун ўз хизматлари жозибадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида, банк мунтазам равишда пластик карточкалар бўйича хилма-хил янги хизмат турларини ишлаб чиқаяпти, мижозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантираяпти ҳамда ўзининг тариф сиёсатини динамик равишда ўзгариб борувчи иқтисодий ва технологик омилларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирмоқда.

Филиалда ягона умумреспублика процессинг маркази билан ҳамкорликда “SmartVista” технологиясига асосланган EMV стандартига янги тўлов тизими жорий этилмоқда. Ушбу дастур доирасида микропроцессорли пластик карточкалар муомалага чиқарилди ва банк тўлов терминаллари зарур дастурлар билан таъминланди. Шу боис бундан буён банк савдо терминалларида янги “SmartVista” карточкаларини тўловга қабул қилиш имконияти яратилади.

Таъкидлаш жоизки, EMV стандартига ўтиш мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш билан бирга, банкнинг чакана хизматлар бозоридаги фаолиятини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

UZKART-EMV тўлов тизимининг аҳолига ижтимоий жиҳатдан қулайликлари ҳақида тўхталганда, ушбу тизимда, аввало, карточкага маблағларни юклаб олишга зарурат қолмаслиги ҳамда ўз навбатида, бу мижозни банк бўлинмаларига бормаган ҳолда, вақти тежалишига олиб келишини қайд этиш жоиз.

Банк мижозларига янада қулай шароитларни яратиш, вақтларини тежаш ниятида “Интернет-банкинг” дастури жорий этилган, ушбу хизмат турининг қулайлиги шундаки, мижоз ўз маблағларини банкка келмасдан туриб ўтказиши, исталган вақтда ҳисоб рақамида мавжуд пул маблағларини кўриши мумкин.

“Интернет-банкинг”нинг қулайликлари, ҳам мижоз, ҳам банк учун қанчалар кенг имкониятлар очиб бериши ҳақида кўп гапириш мумкин. Интернет технологияларига асосланган банк хизматлари соҳа тараққиётининг янги босқичи эканлиги — рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Мухтасар айтганда, бугун “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат банки Сирдарё вилояти филиали замон билан ҳамнафас тарзда фаолият олиб бориб, мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

**Анвар МАМАТОВ.**

---

## «NAVOIY MULK MARKAZI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Кармана тумани СИБ томонидан, Навоий вилояти хўжалик судининг 2012 йил 12 апрелдаги 21-1002/4243-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «MEF INVEST NAVOIY» МЧЖнинг Кармана тумани, «Янгиариқ» ҚФЙда сақланаётган, Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган иссиқхона ускуналари (рўйхат бўйича) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 387 577 338 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 16 июль куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 13 июль куни соат 18.00.

***Талабгорлар диққатига!***

Мазкур мулклар 2012 йил 16 июлдаги савдода сотилмаган ва харидорлар томонидан сотиб олиш истаги билдирилмаганда такрорий савдоси 2012 йил 16 август куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 14 август куни соат 18.00.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Navoiy Mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943164001, МФО: 00205, СТИР: 302132768.

***Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй. Телефон: (8-436) 224-64-31. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz***

985А/734

---

## АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

***2012/2013 ўқув йили учун қуйидаги таълим йўналишлари бўйича талабалар қабулини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!***

**Даволаш иши | Педиатрия иши | Касб таълими (Тиббий педагогика иши) | Олий ҳамширалик иши**

**МАГИСТРАТУРА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА:**

- Акушерлик ва гинекология
- Ички касалликлар (терапия)
- Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари
- Кардиология
- Тери-таносил касалликлари
- Неврология
- Умумий онкология
- Наркология
- Болалар анестезиологияси ва реаниматология
- Умумий жарроҳлик (йўналишлар бўйича)
- Нейрожарроҳлик
- Морфология (йўналишлар бўйича)
- Урология
- Кўз касалликлари
- Болалар жарроҳлиги
- Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича)
- Болалар неврологияси
- Педиатрия
- Фтизиатрия

**I. ДАВОЛАШ, ПЕДИАТРИЯ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ИШИ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИЛАДИ:**

| | |
|---|---|
| **1.** Биология | 3,1 балл (тест синови) |
| **2.** Кимё | 2,1 балл (тест синови) |
| **3.** Она тили ва адабиёти | 1,1 балл (тест синови) |

**II. ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ҲАМШИРА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИЛАДИ:**

| | |
|---|---|
| **1.** Мутахассислик бўйича | ижодий имтиҳон (оғзаки) |
| **2.** Биология | 3,1 балл (тест синови) |
| **3.** Она тили ва адабиёти | 1,1 балл (тест синови) |

**III. МАГИСТРАТУРА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИЛАДИ:**

**1.** Давлат ва жамият қурилиши назарияси ва амалиёти — тест синови
**2.** Мутахассислик бўйича — тест синови

Ҳужжатлар бакалавриат ва олий малакали ҳамширалик иши йўналиши бўйича 20 июндан 20 июлгача, магистратура йўналиши бўйича эса 30 июндан 30 июлгача қабул қилинади.

**РЕКТОР НОМИГА ЁЗИЛГАН АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ИЛОВА ЭТИЛАДИ:**

— бакалавриат йўналишлари абитуриентлари учун ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, магистратура ва олий ҳамширалик иши бўлими абитуриентлари учун мутахассислик маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
— паспорт нусхаси;
— 3,5х4,5 ўлчамли 6 дона фотосурат;
— 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
— паспорт ва ҳарбий хизматга дахлдорлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.

***Институтга қабул қилиш давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига 2012/ 2013 ўқув йилида талабаларни қабул қилиш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Низоми асосида амалга оширилади.***

**Қўшимча маълумотлар учун қабул комиссиясига (8-374) 237-50-83 телефони орқали ёки agmi-361@rambler.ru сайтига мурожаат қилиш мумкин. Манзил: Андижон шаҳри, Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй.**

982А/711

---

AGROBANK

## «АГРОБАНК» ОАТБ ВА «AGROINVEST RECOVERY» ИНВЕСТИЦИОН КОМПАНИЯСИ БАНК БАЛАНСИДАГИ ҚУЙИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ СОТАДИ

AGROINVEST RECOVERY

***«Samarkand Agromuz» МЧЖ – сут ва сут маҳсулотлари, жумладан, музқаймоқ ва шоколад ишлаб чиқариш.***

**1. Йиллик лойиҳа қуввати — минг тонна музқаймоқ ва бошқа сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш.**

**2. Жами ер майдони — 2,3 гектар, шундан ишлаб чиқаришда банд қисми — 1 гектар.**

***Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулобод шаҳарчаси***





***«Kokand Milk Quality» МЧЖ — сут ва сут маҳсулотлари, жумладан, музқаймоқ ва қуруқ сут ишлаб чиқариш.***

**1. Йиллик лойиҳа қуввати — 10 минг тонна сутни қайта ишлаш.**

**2. Жами ер майдони — 3,4 гектар, шундан ишлаб чиқаришда банд қисми — 1 гектар.**

***Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри***



***«Premium Leather» МЧЖ — терини қайта ишлаш.***

**1. Йиллик лойиҳа қуввати — 50 млн. дм.кв. қайта ишланган тери ишлаб чиқариш.**

**2. Жами ер майдони — 9,3 гектар, шундан ишлаб чиқаришда банд қисми — 2,3 гектар.**

***Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри***



**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефон рақамларга мурожаат қилиш мумкин: (+99871) 277-42-44, 150-85-34. Факс: (+99871) 277-42-44.**

983А/1171

---

***Ҳурматли абонентлар, Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари!***

UZTELECOM

## ҲОЗИРГИ КУНДА «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ

***телекоммуникация тармоғида Тошкент шаҳридаги шошилинч ва маълумотлар хизматига чиқиш алоқаси 101, 102, 103, 104,..., 10хх рақамларини териш билан амалга оширилмоқда.***

| | |
|---|---|
| «101» | (ёнғин хавфсизлиги хизмати) |
| «102» | (милиция) |
| «103» | (тез ёрдам) |
| «104» | (газ хизмати) |
| «1050» | (қутқарув хизмати) |
| «10хх» | (бошқа хизматлар) |

**Қўшимча маълумотлар учун 200-31-31 ёки 1064 телефонлари орқали мурожаат қилинг.**

987А/277

---

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

02

---

## Билдириш!

***«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 12 майдаги 93-сонида эълон қилинган, бошланғич нархи 52 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, П. Ржевский кўчаси, 3-уй, 22-хонадонда жойлашган, умумий майдони 84,39 кв.м. бўлган, 9 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уйнинг 2012 йил 19 июндаги аукцион савдоси Мирзо Улуғбек тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан 2012 йил 8 июндаги хатига асосан тўхтатилди.***

**«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.**

986А/1192

---

“Ўзбекфильм” ОАЖ жамоаси киностудия касаба уюшмаси раиси Дилором Игамбердиевага волидаи муҳтарамаси

**ГУЛЧЕҲРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

*Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишини орзу қилади. Зеро, улар — келажак вориси, энг катта умидимиз ва ишончимиздир. Айнан шу боис мамлакатимизда ёш авлод камолоти, оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси доимий эътиборда.*

# Қариндошлик риштаси муқаддас, аммо...

**Улар ўртасидаги ўзаро никоҳ муносабатлари кўплаб салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.**

Бугунги кунда Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Соғлом она — соғлом бола" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ҳамда болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи шифо муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш сингари кенг қамровли вазифаларнинг ижросини таъминлашга муваффақ бўлинаётир.

Қувонарлиси шундаки, ҳозирги кунда жойларда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларнинг тиббий маданият даражасини ошириш, ўсмир қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Энди одамлар бундан ўн беш-йигирма йил аввалгидек ўз соғлиғига беэътибор эмас, балки вақтида шифокорга мурожаат этиб, унинг тавсияларига қатъий амал қиладиган — саломатлигининг қадрига етадиганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бироқ орамизда айрим тоифа кишилар ҳам борки, улар саломатлик учун нима фойдаю нима зарарлигини била туриб, хатога йўл қўядилар. Фикримни мана бу ҳаётий мисол билан ифодаласам...

Яқинда бир гуруҳ шифокор-генетиклар Қашқадарё вилоятида хизмат сафарида бўлдик. У ерда бир оила ҳаёти билан яқиндан танишишга тўғри келди. Боиси бу оилада 4 фарзанд бор, аммо уларнинг уч нафари касалманд. Яна ҳам аниқроғи, бирининг қулоғи эшитмайди, бирининг ақли заиф, кенжа фарзанд эса 10 ёшга тўлганига қарамай, ҳали-ҳануз ўрнидан туриб, мустақил ҳаракатлана олмайди. Хўш, бунга сабаб нима? Табиийки, тиббиёт мутахассиси сифатида ушбу муаммонинг келиб чиқиши билан қизиқдик. Аниқланишича, бу болаларнинг ота-онаси яқин қариндош — холаваччалар экан. Шу боис оилада ногирон фарзандлар дунёга келган.

Энди мазкур мисолни илм-фан нуқтаи назаридан изоҳласак. Маълумки, ҳар бир инсон организмида 30 мингдан ортиқ генлар мавжуд. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, уларнинг ташқи муҳит таъсирида мутацияга учраши (зарарланиши) турли касалликларга сабаб бўлади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтга қадар тиббиётда одамга генлар орқали ўтадиган 4,5 мингга яқин ирсий хасталиклар аниқланган бўлиб, уларнинг айримлари инсон туғилиши билан ёки ҳаёти давомида намоён бўлиши мумкин. Қолган қисми эса яширин ҳолда наслдан-наслга ўтаверади. Бинобарин, генлардаги ўзгаришлар икки хил — доминант (устун тури) ва рецессив (яширин) бўлади. Қариндошлар оила қурганида, кўпинча, рецессив генлар юзага чиқади ва уларнинг фарзандлари ногирон туғилиши кузатилади.

Доно халқимизда мана бу пурмаъно ибора бежиз айтилмайди: "Ўғил уйлантирсанг ё қиз берсанг, унинг етти пуштини суриштир". Бу, энг аввало, турмуш қураётган икки ёшнинг авлод-аждодлари бири-бирига қон-қариндош чиқиб қолмаслиги учун айтилган гапдир. Негаки, қадим Шарқда узоқни кўра билувчи, тиббиётда исботланган бугунги ҳақиқатларни бир неча асрлар илгариёқ теран англаб етган донишманд инсонлар кўп бўлган. Улар оила қураётган ёшларнинг қон-қариндошлик жиҳатидан бири-бирига қанчалик бегона бўлса, бу оилада туғилажак зурриёдлар ҳам шу қадар соғлом бўлишини яхши билганлар.

XIX асрда яшаб ўтган инглиз олими Геррод эса бу борада илмий исботланган яна бир ҳақиқатни айтган. У ҳам бўлса, яширин генлар орқали наслдан-наслга ўтувчи алкаптонурия (бўғимларнинг шикастланиши ва ногиронликка олиб келувчи хасталик) касаллиги ҳақидаги маълумотлардир. Геррод кузатган 10 оиладан 7 тасида мазкур хасталик билан туғилган болаларнинг ота-онаси қариндош эканлиги маълум бўлган. Қолаверса, бундай никоҳдан туғилган болаларда ирсий карлик, ақли заифлик, атаксия (ҳаракат ноқислиги), фенилкетонурия (мия ривожланишининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган ақлий заифлик), миопатия (мушакларнинг қуриб-қовжираб кетиши), талассемия (қон ивимаслиги билан боғлиқ оғир хасталик), нанизм (пакана бўйлилик, беморнинг бўйи 100-140 см.дан ошмайди), албинизм (тери, соч ва кўз ранги оч тусга кириши ва натижада кўриш қобилиятининг бузилиши), астигматизм (ғилайлик), шунингдек, жигар ва буйрак аъзоларининг оғир хасталиклари келиб чиқиши эҳтимоли ниҳоятда юқоридир.

Айни пайтда жаҳон миқёсидаги илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, қавм-қариндошлар никоҳида болаларнинг ақли заиф бўлиши бошқа оилаларга нисбатан икки баробар кўп кузатилган. Шунинг учун ҳам бугун аксарият ривожланган мамлакатларда яқин қариндошларнинг оила қуриши қонунан тақиқланган. Кўпгина Европа мамлакатларида эса қариндошлар никоҳи 1 фоиздан ошмайди. Афсуски, бундай носоғлом турмуш тарзи, асосан, Ўрта Ер денгизининг шарқида, Ҳиндистон жанубида ва Марказий Осиё давлатларида кенг тарқалган. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам қариндошлар никоҳи қишлоқ жойларда шаҳардагига нисбатан кўп учрайди. Ваҳолонки, болаларнинг ирсий касалликлар билан туғилиши хавфи қариндош бўлмаган оилаларда жуда-жуда кам фоизни ташкил қилади. Шу ҳақиқатни била туриб, "ўзники синашта", "топган-тутганим бегонага қолмасин", "кўзимнинг ўнгида катта бўлди, уни жуда яхши биламан, бегона, барибир, бегона-да...", дея ўз фарзандларини эртанги ҳаётини фожиага айлантираётганларга бундан зиёд яна қандай далил-исботларни келтириш мумкин?..

Фарзанд — ҳаёт мазмуни. Модомики, шундай экан, унинг тақдирини ҳал қилаётган маҳалда шошмашошарлик билан қарор қабул қилиш, енгил-елпи ҳою ҳавасларга берилиш катта бир ноҳақлик, адолатсизликдир. Ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда виждонимизни уйғота оладиган ана шу оддий ҳақиқатни унутмайлик!

**Мадина ШАРИПОВА,**
**Республика «Она ва бола» скрининг маркази директори.**

# Истеъдодга муносиб рағбат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу йилги беллашув иштирокчилари олий ва ўрта махсус таълим масканлари, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Камолот" ЁИҲнинг жойлардаги бўлимларига ҳамда интернет орқали танлов ҳайъатига ариза топширдилар. Шундай қилиб, кўрикда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 7 минг нафардан зиёд иқтидор соҳиблари қатнашишди. Улар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинациялар бўйича қобилиятларини намоён этишди. Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган мингга яқин ўғил-қизлар эса кўрикнинг вилоят босқичида беллашувни давом эттиришди.

Қарши шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби битирувчиси Нилуфар Чориева "Келажак овози" кўрик-танловида илк бор иштирок этмоқда. Унинг танловдан олган таассуротлари бир олам.

— Матога мунчоқ ва тошлардан нақш тушираман, — дейди у. — Асосан, миллий услубда либос тикканим боис ижодим кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Танлов доирасидаги ижодий кўргазмага келган санъат мухлислари орасида мендан ушбу ҳунарни ўрганишни хоҳловчилар ҳам бўлди. Бундан руҳланиб кетдим. Келгусида банкдан кредит олиб, кичик тикув цехи очиш ниятидаман. У ерда мижозлардан буюртма қабул қилиш билан бирга, маҳалла қизларига чеварлик сирларини ҳам ўргатамиз.

— Кўриб турганингиздек, мазкур танлов юртимиздаги ноёб иқтидорли ёшларни кашф этишга хизмат қилмоқда, — дейди "Келажак овози" ЁТМнинг Қашқадарё вилояти бўйича координатори Дилшод Бегматов. — Муҳими, танлов иштирокчиларининг келгусидаги фаолияти, ижодий изланишлари "Фонд Форум" ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланаяпти. Улар учун таълим грантлари, "Келажак овози" стипендияси таъсис этилган. Энг қизиқарли лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш учун эса патент олишга кўмаклашилади. Қолаверса, бугунги кунда ушбу лойиҳа ғолиблари юртимиз ва жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли фестиваль ҳамда кўргазмаларда қатнашиб, маҳоратларини намоён этишмоқда.

...Кўрикнинг вилоят босқичида ғолиб деб топилган 41 нафар иштирокчи энди якуний беллашувда ўз омадларини синаб кўришади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мумтоз қўшиқлар жозибаси

*Қашқадарёда оилавий ансамбллар нинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.*

## Танлов



Ёшларимизнинг оилага, миллий қадриятларимизга бўлган муносабатларини шакллантириш, улар қалбида мусиқа ва санъатга нисбатан муҳаббат уйғотиш, шунингдек, оилавий ансамбллар ижодини кенг тарғиб этишга қаратилган ушбу танловда хоразмлик Рўзиметовлар оиласи олий мукофотга сазовор бўлди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимизга бағишлаб ўтказилган мазкур танловда мумтоз қўшиқлар, алёр лапарларни маромига етказиб ижро этган андижонлик Ражабовлар ва қашқадарёлик Абдуллаевлар оилавий ансамбллари биринчи ўринни эгаллашди. Шунингдек, қорақалпоғистонлик Толегеновлар, самарқандлик Одиловлар, андижонлик Раҳмоновлар оилавий ансамбллари маҳорати ҳам алоҳида эътироф этилди.

Тадбир давомида "Энг ёш ижрочи", "Энг яхши мақом ижрочиси", "Энг яхши лапар ижрочиси", "Энг яхши рақс ижрочиси" сингари бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Танлов ғолиблари ва иштирокчиларига тадбир ташкилотчилари — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармасининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Мухтасар КАРИМОВА.**

## Ҳунармандчилик

*Юртимизда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, бой маънавий меросимизни келгуси авлодларга етказиш, хусусан, халқ амалий санъатини равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда давлатимиз томонидан ҳунармандлар фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, улар учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.*



# Жаҳонга юз тутаётган санъат

**Н**атижада кўли гул усталаримиз тайёрлаётган турли маҳсулотлар нуфузли халқаро кўргазмаларда юксак эътирофини топмоқда.

Бухоролик Николай Анисимов ҳам шундай моҳир ҳунармандлардан бири.

— Пешкада туғилганман, — дейди у. — Асл касбим — электр жиҳозлари тузатиш устаси. Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йиллари эди. Ҳунармандлар ишини зимдан кузатиб, мискарликка меҳрим тушди. Дастлаб таъмирталаб бир мис офтобани амаллаб, асл ҳолига келтирдим. Отам буни кўриб, "Ўғлим, одам қилган ишни одам қила олади. Ўзинг ҳам шундай офтоба ясашга уриниб кўр. Бу ишни, албатта, эплай оласан", дедилар. Шу тариқа кандакорлик севимли машғулотимга айланди.

Рус йигитининг ўзбек халқ амалий санъатига бўлган қизиқиши, ҳунар ўрганишга иштиёқини кўриб, маҳаллий усталар унга бажонидил ёрдам қўлини чўзишди. Николай қадимий китобларни бир-бир варақлаб, кандакорликка оид билим ва тасаввурларини бойита борди. Аста-секин мустақил ишлашга киришди. Унинг мис ҳамда биринж(латун)дан тайёрлаган офтоба, шамдон, қумғон каби буюмлари нафақат мижозлар, балки соҳа мутахассислари эътиборига ҳам тушиб, уни турли кўргазма ва танловларга таклиф эта бошлашди. Н. Анисимов "Ташаббус" кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичларида қатнашиб, совриндорлар қаторидан ўрин олди.

— Бу ҳунар кишидан сабр-тоқат, изланиш, ишга ижодий ёндашишни талаб қилади, — дейди Николай. — Қадимий услубдаги оддий бир офтобани ясаш учун нафақат мискар, балки рехтагар ва кандакорнинг ҳам меҳнати, нозик диди керак. Чунки унинг дастасига рехтагар, қуббасига эса кандакор назари лозим. Маҳсулотнинг бежирим, совғабоп чиқиши шу уч ҳунарнинг нечоғли уйғунлашишига боғлиқ. Шуларни ҳисобга олиб, ўғлим Дмитрий билан Владимирни ҳам ёнимга олдим.

Дарҳақиқат, иккала ўғил ҳам ота изидан боришаяпти. Улар коллежни тамомлашган. Бири кандакорликни, иккинчиси рехтагарлик ҳунарини эгаллаган. Улар тайёрлаган халқ амалий санъати буюмларига боқиб, инсон қўли гул, деган иборанинг бежиз айтилмаганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

— Кандакорликни ўрта мактабнинг 8-синфида ўқиб юрган кезларимда ўрганганман, — дейди Дмитрий. — Шу ҳунар ортидан рўзғоримиз бут. "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бўлими бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Устахонамиз ижарасигача уюшма зиммасида. Бундан ташқари, Президентимизнинг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, солиқ бўйича бир қатор имтиёзларга ҳам эгамиз.

Ота-ўғилларнинг қадимий кандакорлик санъати анъаналарини қайта тиклаш, уни бойитиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижасиз қолмаяпти. Ҳозир Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси ҳамда Чорбакр зиёратгоҳида кандакор Анисимовлар томонидан тайёрланган, нозик дид билан ишланган қандилларни кўриш мумкин. Усталарга эндиликда хорижий юртлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган сурат.**

# Мозийга назар

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида архив ҳужжатлари намойишига оид кўргазма бўлиб ўтмоқда.*

## Тақдимот

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмадан XIX асрнинг 60-йилларидан то бугунги кунга қадар бўлган давр тарихи, мамлакатимизнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётини акс эттирувчи фотолавҳалар, архив материаллари, овозли ҳужжатлар ўрин олган.

Кўргазмада юртимиз ҳаётини акс эттирувчи илк фотосуратларни, шунингдек, ўша даврларда суратга олинган овозли фильмларни бевосита томоша қилиш ҳамда тинглаш имконияти мавжуд.

Тадбир дастуридан истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўзгаришлар, илм-фан, маданият соҳасида эришилган ютуқларимиз акс эттирилган фото ва ёзувли лавҳалар ҳам алоҳида ўрин эгаллаган.

**Суннат АСТАНОВ.**

# Қайноқ меҳр оғушида



*Жорий ёз мавсумида Тошкент вилоятида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларига Оролбўйи минтақасидан 1,5 минг нафар болани жалб этиш режалаштирилган бўлиб, куни кеча уларнинг 350 нафари кутиб олинди.*

Айни пайтда улар вилоятнинг тоғоли ҳудудларидаги "Меҳржон" ва "Бойчечак" оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришмоқда. Бу ерда вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан уларнинг кўнгилли дам олишлари ва таълим муассасаларида қўлга киритган билимини интерфаол усулда мустаҳкамлашлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Оромгоҳларда жамоат ташкилотлари томонидан кўнгилочар танловлар ҳамда спорт беллашувлари ўтказиш ҳам режалаштирилган бўлиб, бу болаларга манзур бўлмоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport**



# Шахматчиларимиз совриндорлар сафида

*Пойтахтимизда шахмат бўйича 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилар юксак истеъдод соҳиби эканликларини намоён этишди.*

Осиё шахмат федерацияси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мамлакатимиз шахмат федерацияси ва "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз учта кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритдилар.

Жумладан, швейцарча тизимда тўққиз турдан иборат бўлган қитъа чемпионатининг ўсмирлар ўртасидаги беллашувларида ўзбекистонлик Никита Хорошев кумуш медаль билан тақдирланди. Ҳиндистонлик Сринат Наранан олтин, қозоғистонлик Аян Ахметов бронза медалига сазовор бўлди.

Кескин ва муросасиз курашларга бой ўтган қизлар ўртасидаги баҳслар якунида Ҳиндистон вакили Ивана Мария Фуртадога тенг келадиган шахматчи топилмади. Вьетнамлик Ти Ким Пунг Во, яна бир ҳиндистонлик шахматчи Руча Пужари эса кумуш ва бронза медалларига эгалик қилди.

Чемпионат доирасида блиц-турнир ҳам ташкил этилди. Етти партиядан иборат бўлган тезкор мусобақа якунида ҳамюртларимиздан Алишер Бекмуродов кумуш, Жаҳонгир Воҳидов бронза медалига сазовор бўлди.

Қизлар ўртасида эса иқтидорли шахматчимиз Сарвиноз Қурбонбоева кумуш медаль билан тақдирланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Мамлакат чемпионатига йўлланма

*Наманган шаҳридаги олий спорт маҳорати мактабида таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.*

Унда 90 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар учун баҳс олиб борди. Кескин ва муросасиз кураш остида кечган беллашувлар якунида косонсойлик Маъруф Абдулатипов, чустлик Аҳрор Самиев, Даврон Соаталиев ва Дилором Воҳидова каби маҳоратли спортчилар ўз вазн тоифаларида совринли ўринларга сазовор бўлдилар.

Мусобақада олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланган таэквондочилар Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport**

## ОБ-ҲАВО

(15 июнь)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +17 +22 | +33 +38 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +17 +22 | +33 +38 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +15 +20 | +30 +35 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +17 +22 | +33 +38 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +15 +20 | +29 +34 |
| Тошкент шаҳрида | +18 +20 | +33 +35 |

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5